

2023 йилнинг «Энг яхши таълим сифати» мукофотиغا сазовор бўлган мактаб



18:13 / 19.09.2023 969

2023 йилнинг «Энг яхши таълим сифати» мукофотиغا Ғарбий Африка мактаблари ичидан Нигериянинг Лагос шаҳрида жойлашган Ислом мактаби сазовор бўлди.

Мусулмон болалар боғчаси ва Лекки бошланғич мактаби (LMS) мукофотни Лагоснинг Ikea шаҳридаги Sheraton Hotels ва Towers меҳмонхонасида бўлиб ўтган махсус маросимда қабул қилиб олдилар.

Бошқарувчилар кенгаши раиси ва Лагос штатининг собиқ бош прокурори Алҳажи Аденижи Казим (САН) мактабда таълим сифати яхши эканлиги ҳақида шундай дейди: «Бошқарувчилар кенгашининг ваколати мукамал таълим сифати ва стандартларини таъминлашдан иборатдир».

Мусулмон болалар боғчаси ва Лекки бошланғич мактаби 2016 йил сентябрь ойида ўз иш фаолиятини бошлаган. Бу Лагос штати ҳукуматининг таълим сифатини таъминлаш бошқармаси томонидан тасдиқланган юқори сифатли мактабдир.